



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БУЙРУҚ

2016 йил “ 26 ” ноябр

№ 400

Тошкент ш.

Ўқув жараёнининг ташкил
этилишида ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги 2009 йил 11 июндаги 204-сонли, 2010 йил 25 августдаги 333-сонли, 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли ва 2014 йил 26 декабрдаги 14 -сонли буйруқлари ва Низомларга асосан Тошкент тиббиёт академияси рейтинг Низомига ўзгартиришлар киритиш мақсадида

БУЮРАМАН

1. “Тошкент тиббиёт академиясида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги НИЗОМ 1 – иловага асосан тасдиқлансин;
2. Кафедраларда бўлиши шарт бўлган хужжатлар ва уларнинг сақланиши, эълонлар тахтасида бўлиши шарт бўлган маълумотлар рўйхати тўғрисидаги йўриқнома 2-иловага асосан тасдиқлансин;
3. **Ўқув ишлари проректори О. Тешаевга:** - 2016-2017 ўқув йили кузги семестридан бошлаб махкур НИЗОМга асосан ўқув жараёни ташкил этилсин;
 - ўқув режаларида белгиланган барча фанлар ҳар семестрда жорий, оралиқ ва якуний назоратлар билан якунлансин;
 - Амалий машғулотлар ва якуний назоратлар жадвали қайта кўриб чиқилсин ва барча факультет, кафедраларга етказилсин;
 - Семестр якунида талабаларнинг барча фанлар бўйича рейтинг натижалари рейтинг дафтарчасига қайд этилсин ва стипендия тайинлашда инобатга олинсин.
4. **Факультет деканлари ва кафедра мудирларига:**
 - Амалий машғулотлар, маърузалар ва барча назорат турлари ўқув бўлими тақдим этган жадвал асосида амалга оширилиши таъминлансин;
 - Барча назорат турлари Низом талабларига риоя этган ҳолда ошкора ва объектив ўтказилишига эришилсин;

- Академик қарздор талабалардан қайта топширишлар Низом талаблари даражасида ташкил этилсин. Кафедрада қайта топширишлар жадвали ва қайта топширишлар қайд этиладиган журнал юритилиши йўлга қўйилсин.
- Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режасини тўлдирилишида ва ундаги маълумотларнинг тўғрилигига ҳар бир ходим шахсан ўзи жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин;
- 5. Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Миршарапов Ў.М.га
 - Кафедралар ва факультетлар фаолияти, оралиқ ва якуний назоратларнинг ташкил этилиши ва уларнинг Низом талабларига мослиги доимий назоратга олинсин. Ҳар семестр якунида натижалар таҳлил қилиниб таклифлар киритилсин;
 - Девонхона ва кадрлар бўлими фаолияти, ҳужжатларни расмийлаштириш ва иш юритиш доимий назоратга олинсин;

Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш ўқув ишлари проректори О.Р. Тешаев зиммасига юклатилсин.